

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ “ФРОНТ МУДОФАА ФОНДИ” ГА ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ

Ғойибназаров Исо Шакарович  
Тошкент амалий фанлар университети  
катта ўқитувчиси  
ORCID: 0009-0004-8142-7883  
UDK: 94 (575.1)

**Аннотация:** мақолада Иккинчи жаҳон уруш йилларида ўзбекистонликларнинг фронт ортидаги меҳнат жасоратлари, уларнинг “Фронт мудофаа фонди” га қўшган ҳиссалари, моддий ва молиявий ёрдамлари хусусида сўз юритилган. Унда халқнинг уруш даврида ўз иш ҳақларини мудофаа жамғармасига ажратганликлари, қимматбаҳо буюмлари, заём облигациялар ва нақд пулларини ҳамда шахсий жамғармаларидаги маблағларни йўналтирганликларига оид масалалар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Иккинчи жаҳон уруши, ўзбекистонликлар, фронт орти, меҳнат жасорати, “Фронт мудофаа фонди”, моддий ва молиявий ёрдам, иш ҳақи, қимматбаҳо буюмлар, маблағ.

**Аннотация:** В статье рассматривается трудовая доблесть узбекистанцев в тылу фронта в годы Второй мировой войны, их вклад в «Фонд обороны фронта», а также их материальная и финансовая помощь. Анализируются вопросы, связанные с отчислением населением в период войны своих заработка в фонд обороны, передачей ценностей, облигаций и наличных денег, а также средств из личных сбережений.

**Ключевые слова:** Вторая мировая война, узбеки, тыл фронта, трудовая доблесть, «Фонд обороны фронта», материальная и финансовая помощь, заработная плата, ценности, фонды.

**Abstract:** this article examines the labor valor of Uzbeks in the rear during World War II, their contribution to the Front Defense Fund, and their material and financial assistance. Issues related to the population's wartime contributions to the defense fund, the transfer of valuables, bonds, and cash, as well as personal savings, are analyzed.

**Keywords:** World War II, Uzbeks, rear,

labor valor, Front Defense Fund, material and financial assistance, wages, valuables, funds.

**КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)** Иккинчи жаҳон уруш йилларида ўзбек халқи анъанавий ватанпарварлигининг ажойиб намуналаридан бири фронтга умумхалқ ёрдами кўрсатиш эди. Ўзбекистонликлар урушнинг дастлабки кунлариданоқ мудофаа жамғармасини моддий ва молиявий жиҳатдан тўлдиришда фаол иштирок этдилар. Мудофаа жамғармасига республика ишчилари, зиёлилари бир кунлик иш ҳақлари, “коммунистик шанбалик» ларда ишлаб топилган пулларини, ўзларининг шахсий жамғармаларидаги маблағларни, қимматбаҳо бойликларини, давлат заёмларини, буюмларини, сотилган озиқ-овқат маҳсулотларидан тушган маблағларни топшира бошладилар.

Уруш кетаётган оғир шароитда ВКП Марказий Қўмитаси ва Давлат Мудофаа Қўмитасининг топшириғига биноан СССР Давлат режалаштириш бошқармаси 1941 йилнинг 4 чораги ва 1942 йил учун “Ҳарбий хўжалик режаси”ни ишлаб чиқди ва уни 1941 йил 16 августда Сийёсий Бюрода тасдиқлади [1]. Бу режа Иттифокнинг шарқий минтақаларида, шу жумладан Ўзбекистонда янги заводлар, шахталар, конлар қуриш ҳамда қурол аслаҳа, ўқ- дори, айниқса кўплаб танк, самолёт ва замбараклар ишлаб чиқаришнинг кенг дастурини белгилаб берди. Шу билан бирга бутун Иттифокда “Фронт мудофаа фонди”ни тузиш ва унга маблағ ажратиш ишлари бошлаб юборилади. Ўзбекистонликлар мудофаа ва жанговар техника қуриш жамғармаси тузиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этдилар.

Халқ ўз томорқалари, шахсий хўжаликларидан олинган даромад ҳисобига тўланадиган солиқлар билан биргаликда, ишлаб топилган маблағларини ҳаракатдаги армияга, фронт кўшинларига, аксарият қисмини “Фронт мудофаа фонди”га ўтказишга муваффақ бўлдилар. Мамлакатда оғир шароит бўлишига қарамасдан, халқ ўз хоҳишлари билан топилган пулларини нақд пул кўринишида мазкур фондга топшира бошладилар.

**МУХОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)** Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонликлар урушга ўз ҳиссаларини кўшишга астойдил киришдилар. Шу мақсадда Иттифокда биринчилардан бўлиб душман томонидан босиб олинган ҳудудларга ва озод этилган туманларга “Қардошлик ёрдами фонди” (жамғармаси) ташкил этилди. Уруш даврида меҳнат жамоалари ва айрим фуқаролар бир кунлик ёки икки кунлик иш ҳақларини мудофаа жамғармасига ажратдилар, қимматбаҳо буюмлари, заём облигациялари ва нақд пулларини топширдилар. Барча жойда шанбаликлар ва якшанбаликлар ўтказилиб, буларда ишлаб топилган пуллар ҳам мудофаа жамғармасига ўтказила бошланди.

Масалан, 1941-1945 йиллар давомида Ватан мудофаа фондига республика меҳнаткашлари пул ва давлат заёми облигациялари шаклида 650 млн сўмдан зиёд маблағ топширдилар, 22 млн. сўмликдан кўпроқ қимматли буюмлар, 55 кг га яқин қимматбаҳо металллар юбордилар. Ана шу маблағларга “Ўзбекистон”, “Красновосточник”, “Ўзбекистон комсомоли” номли бронопоездлар, авиаэскадрилья, танк колонналари ва бошқа техника ишлаб чиқарилиб, фронтга жўнатилди [2].

Республика меҳнаткашларининг фронтга берган ёрдами жанговар қисмларнинг техника билан қуролланишларини мустаҳкамлаб, совет кўшинларининг руҳини кўтарди, душманга қарши курашда уларнинг куч ва қувватини оширди. Жумладан, Генерал лейтенант Панфилов қўмондонлиги остидаги кўшилмадан Ўзбекистон Компартияси Марказий

Комитетига юборилган хат шундан яққол далолат беради: “Совет Ўзбекистонига 20 йил” номидаги танклар билан жангларда иштирок этган жангчи ва офицерлар Қизил Армия тўғрисида ғамхўрлик қилгани учун, танкчиларни ажойиб бронотехника, қудратли танклар билан таъминлагани учун Совет Ўзбекистони меҳнаткашларига чуқур қизил аскарлик миннатдорчилигини билдиради [3].

Уруш йилларида ёппасига Ватан мудофаасига отланганларнинг оилаларига катта ғамхўрлик қилинди. Агар рақамларга мурожаат қилинса, фақат 1943 йилнинг бошларидагина фронтдаги оилаларга ёрдам тариқасида 73,5 минг пуд ғалла, 10 минг бош қўй, 2000 бош қорамол етказиб берилди ва 850 дан ортиқ уй жой бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Республикамизда умумхалқ жамғармасини вужудга келтириш ҳаракати авж олиб кетди. Ҳаммаси бўлиб Ўзбекистон меҳнаткашларининг мудофаа жамғармасига қўшган ҳиссаси 650 миллион сўм пул ва 55 кг тилла ва кумушни ташкил этди. Бундан ташқари 4,266 миллиард сўм миқдорда давлат зиёми ва пул буюм лотареаси тўпланди [4].

Ўзбекистонда 1941 йилнинг охирига келиб республиканинг 300 та завод ва фабрикаси армия учун қурол яроғ ва ўқ дори ишлаб чиқара бошлади. Биринчи навбатдаги масала мудофаа саноати корхоналарини зарур маблағ, ёқилғи, электр қуввати ва металл билан таъминлашдан иборат эди. Бу соҳада Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1941 йил 5 - 7 декабрда бўлиб ўтган V Пленумида муҳокама қилинган масалалар диққатга сазовордир [5].

Фашистлар Германияси устидан қозонилган тарихий ғалабада Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган республика деҳқончилигининг структураси ҳам кескин ўзгарганди. Пахтачиликни асосий тармоқ сифатида сақлаб қолган ҳолда республика меҳнаткашлари мамлакатга жуда кўп миқдорда дон, қанд лавлаги, каноп, пилла, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам етказиб берилди. Катта миқдорда пул маблағлари

етказиб берилди.

Урушнинг дастлабки йилларида мудрофаа фондини кўпайтириш учун коммунистик шанбалик ва якшанбаликлар авж олиб кетди. 1941 йил 18 июнда республикада биринчи шанбалик ўтказилди. Бу шанбаликда 1,2 млн киши қатнашиб, мудрофаа фондига 3 млн сўмдан кўпроқ пул ўтказдилар. Худди шу даврда “Ўзбекистон комсомоли” номли танк колоннаси ишлаб чиқариш учун маблағ тўплаш бошланди. 1941 йилнинг 12 октябрида ўтказилган якшанбаликка 600 мингдан ортиқ ёшлар қатнашиб, улар завод ва фабрикаларда, пахтазорларда, темир йўлларда фидокорона меҳнат қилдилар. Одамлардан йиғиб олинган турли йиғимлар ҳисобига ва ишлаб топилган 2,5 млн сўм пул маблағлари “Танк колоннаси куриш фонди”га берилди [6]. Бундан ташқари 4266 млн сўм миқдориди давлат зиёми ва пул буюм лотереяси тўпланди. Бу маблағлар “Совет Ўзбекистони”, “Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги”, “Ўзбекистон колхозчиси”, “Ўзбекистон комсомоли” номли танк колонналари ва авиация эскадраларини ишлаб чиқаришга [7].

Уруш йиллари давомида нафақат катта ёшли аҳоли вакиллари, балки ёшлар, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам урушни тезроқ якунлаш, душманни мамлакат ҳудудидан қувиб чиқариш орзуси билан яшадилар. Улар катталар қаторида меҳнат қилиб, мудрофаа жамғармасига ўз улушларини қўшдилар. Хусусан, Ўзбекистон пионерлари ленинградлик болаларга совға сифатида 20 вагон мева, 2,3 млн сўм йиғиб бердилар ва улар юбордилар. Тошкент пионер ва ўқувчилари тўплаган пулга “Тошкент пионери” деган танк колоннаси курилди. Ўзбекистон ёшларининг ватанпарварлиги ва инсонпарварлик ҳаракати ленинградликларнинг чуқур миннатдорчилигига сазовор бўлди. Ўзбекистон ёшларининг ўз ихтиёрлари билан тўплаган ана шу маблағлари уруш эҳтиёжларига сарфланди. Шунингдек, урушнинг дастлабки кунларида республика оилаларидан 30 миллион сўмлик миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо буюмлар тўпланди [8].

Биргина, 1943 йил охири 1944 йилга келиб Ўзбекистонликлардан “Фронт мудрофаа фонди” учун йиғилган маблағларга 2100 та самолёт, 2318 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн. дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн. радио лампа етказиб берилган. Шунингдек қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий санитария поезда, 2200 дона кўчма ошхона ва 7518,8 мингта гимнастёрка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги тайёрлаб берилган [9]. Бу Ўзбекистон халқининг турли йиғимлар орқали фашист-босқинчиларини тор-мор этишга, ғалабага қўшган катта ҳиссаси бўлди.

**ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / COCLUSION)** Умуман, уруш йилларида Ўзбекистон халқи нафақат фронтга моддий ёрдамлар кўрсатдилар, балки оғир шароит бўлишига қарамасдан юзлаб, минглаб фронтдан жўнатилган фуқароларни қабул қилдилар, боқиб, парваришладилар. Биргина, 1943 йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса, 3870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди. Уруш арафасида республикада 106 та болалар уйида 12 минг бола тарбияланган бўлса, 1945 йилга келиб, уларнинг сони Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда 263 та болалар уйида, 31,300 болага етди. Ўзбек оилалари урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Белоруссия Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан кўчирилиб келтирилган кишиларни ўз бағрига олди [10:66].

Хулоса қилиб айтганда, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқи ва ўзбек оилалари нафақат фронтда, балки фронт ортида ўз меҳнатлари ва инсонпарварлиги билан турли йиғимларни фронтга етказиб беришда жонбозлик кўрсатдилар. “Фронт мудрофаа жамғармаси”га ўз ҳиссаларини қўшдилар, урушга моддий ёрдамлар кўрсатдилар. Шундай оғир шароитда халқнинг бағрикенглик характериға кўра ҳақиқий

|                                                                                                                                                                                   |                                                                                                                                                                                         |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| байналминаллик хислатларини намоён<br>этдилар. Ўзбек халқининг миллий<br>менталитетига кўра, бундай фазилят, яъни<br>уюшқоқлик аҳолини оммавий<br>сафарбарликка жалб этиш, урушга | чақирувни ташкил этиш, фронт учун озиқ-<br>овқат, кийим-кечак, ўқ-дори жўнатиш,<br>кўчириб келтирилганларни жойлаштириш<br>ишларида иштирок этганлигини яна бир бор<br>намоён қилдилар. |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

**АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ**  
**(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):**

1. Пўлатов И. Буюк ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси. Т., “Ўзбекистон”, 1974 181-бет.
2. Ражабова Р.Ё,Каримов Р.Ҳ ва бошқалар Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йй.) Т.,1993. 245-бет.
3. Ражабова Р.Ё,Каримов Р.Ҳ ва бошқалар... 245-бет.
4. Обломуродов Н. Ўзбекистоннинг фашистлар хуружидан зарар кўрган районларга ёрдами.-Т., “Фан”. 1985.
5. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. (Ш.Каримов таҳрири остида). Т., 1993. 225-бет
6. Совет Ўзбекистони газетаси. 1985 йил 20 парель
7. Совет Ўзбекистони газетаси. 1985 йил 20 парель
8. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. (Ш.Каримов таҳрири остида). Т., 1993 227-бет.
9. Обломуродов Н. Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Т., 2011. 268 б.
10. Ишқувватов В, Толипов Ф. Маҳалла: ўтмишда ва бугун. Т., 2014. 66-бет.